СУБЪЕКТИВ БАҲО ИФОДАЛАШДА ЛЕКСИК ВОСИТАЛАРНИНГ ЎРНИ

Ш.Ҳ. Алпанова

Мақолада лексема асосида юзага чиқадиган субъектив баҳо ҳақида сўз боради. Баҳо мезонлари психолингвистик нуқтаи назардан таҳлил қилинади.

***Калит сўзлар**: лексема, субъектив баҳо, коннотатив маъно, ижобий баҳо, салбий баҳо, рецепиент.*

В статье идёт речь о субъективной оценке, возникающей на основе лексемы. А также, с позиций психолингвистики, подвергаются анализу критерии данной оценки.

***Ключевые слова**: лексема, субъективная оценка, коннотативное значение, положительная оценка, отрицательная оценка, реципиент.*

This article discusses the problems of subjective estimation formed on the basis of lexemes. Criteria's of such estimation are analyzed from the point of view of psycholinguistics.

***Key words**: lexeme, subjective estimation, connotative meaning, positive meaning, negative meaning, recipient.*

Тил ҳақида гап кетганда кўпинча уни дарёга қиёслашади. Ундан ҳамма баҳраманд бўлади, фойдаланади [1.203]. Мана шу фойдаланиш жараёнида ҳар бир шахс алоҳидаликни, индивидуалликни намоён этадики, бугунги кунда психологларни, тилшуносларни қизиқтирган ҳам айнан шу нарса – нутқий фаолиятдир [2.47]. Бир қарашда яхлит, зерикарли, рангсиз кўринган дарё – тил энди бутун гўзаллиги ранг-баранглиги, оҳангдорлиги, жозибасини ҳар бир томчида, яъни ҳар бир шахснинг нутқида намоён этади. Худди шу нуқтадан психолог ва лингвистларнинг ўрганиш объекти умумийлашади, писхолингвистика бошланади [3.28].

Инсон жуда мураккаб хилқат. Унинг руҳиятида, ҳис-туйғуларида бўлаётган ўзгаришлар бевосита нутқида ҳам ҳам акс этади. Қувонч, шодлик, ғам, қайғу, ачиниш, армон, оғриқ, изтироб, алам, ўкинч, ғазаб, нафрат, очлик, тўқлик... ва ҳ.[4.32] Ахборотларни қабул қилишдаги нутқий сигналларнинг тил иерархияси доирасида қайта ишланиши кетма-кетликка асосланиши кўпчиликка маълум. Нутқий хабарни қабул қилишнинг даражали тузилиши деганда, айни жараённинг поғонали эканлигини ва нутқ оқимининг қайта ишланиш иерархиясини тушунамиз. Товушлар ҳам, товушлар йиғиндиси ҳам тил материали бўлишига қарамай, луғавий бирлик бўлолмайди. Фақат сўз – маъно ва ифода планига эга сўзгина нутқий мулоқотнинг минимал бирлиги бўла олади. Матн эса нутқнинг мураккаб бирлиги сифатида гаплар, сўз бирикмалари ва сўз каби элементлардан иборат [5.54]. Лексик маъно идеал ҳодиса деб таърифланади. Лексик маънони семантик таҳлил қилиш усули билан идеал ҳодисани моддийлаштириш мумкин. Лексеманинг асосида лексик маънодан ташқари услубий баҳо ҳам ҳисобга олинади. Асли услубий баҳо ҳақида лексемани яхлитлигича олиб эмас, балки конкрет бир лексик маънони назарда тутиб гапириш тўғри бўлади. Ҳақиқатда услубий баҳо бир лексеманинг лексик маъноларига кўра ҳар хил бўлиши мумкин. Шу сабабли бир лексеманинг лексик маънолари турли нутқ кўринишларига хосланган бўлади. Бундай маъно нозикликлари матнда кўплаб кузатилади.

Макс. Э, билмабман, **бобой** эски бобойлардан-ку айтгандай. Яхшиям революция бўлибди, **бобой.** Бўлмасам, тилсиз юрармидик ҳозир? Бр-р! Қандай маданиятсизлик! Арзимаган комплимент учун тилни суғуриб олиш! У даврлар ўтиб кетди. Ҳозир, **бобой,** озодлик! Ҳамма эркин қуш. Сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги... Яна нима? Хотин-қизлар эмансипацияси...

(Сулаймон ота бу сўзни тушунмай, ҳақорат деб ўйлайди.)

Сулаймон ота. Нима дединг? Яна қайтар-чи?

Макс. Хотин-қизлар эмансипацияси... Нима эди?

Сулаймон ота. (ўрнидан туриб кетади ва Макснинг ёқасидан ушлайди). Мана сенга **зумраша**, эманпасингни кўрсатиб қўяман. **Тирранча!** Менга ёпишдинг, индамадим, (Анварага ишора қилиб) бунга ёпишдинг, индамадим. Энди бутун хотинларни ҳақорат қилишга ўтдингми! Ҳозир қайтариб ол! Ё бўлмаса ўша эманпасингни кўрсатиб қўяман деразадан улоқтириб!

Макс. Нима деяпсиз, **бобой... э, отажон!** Эмансипация нималигини биласизми ўзи? Қўйиб юборинг. Бўғманг деяпман сизга!

Васька. Бобой эмансипация – озодлик дегани. Сўкиниш эмас. (Сулаймон ота Анварага тўғрими деб қарайди, Анвара бошини қимирлатади. Максни қўйиб юборади) Сулаймон ота. Тўғри гапирсанг бўлмайдими, **бола!**

Ў.Умарбековнинг машҳур "Қиёмат қарз" драмасидан олинган ушбу парчада ёзги таътилда бир оз ишлаб пул топмоқчи бўлган талаба йигитлар, савоб иш учун кетаётган Сулаймон ота, бутун ёшлигини эрининг илмий иши учун фидо қилган Анвара ўртасидаги мулоқот тасвирланади.

Талабалар – ерга урса, кўкка сапчийдиган, шўх, беқарор, куч-қувватга тўлиб тошган, ҳаётда бирор қийинчилик кўрмаган, орзулари осмон қадар, маданият деганда тор шим, узун соч, русча сўзларни қўшиб гапириш, исмни ўзгартиришни (аслида Макс – Махсум, Васька – Васил, Васлиддин) тушунадиган "маданиятли", "замонавий" йигитлар.

Сулаймон ота – бутун умри ҳалол меҳнат билан ўтган, ҳаётнинг барча аччиқ-чучугини тотган, яхшиларга бағри осмондай, ёмонларга момақалдироқдай, умрнинг мазмунини ҳалолликда, покликда, ростгўйликда деб билган оддий ўзбек отахони. Маънан бой, кўпни кўрган, мулоҳазали (аммо йигитлар назарида қолоқ, маданиятсиз чол) Сулаймон ота ҳам, Анвара ҳам йигитларнинг алмойи-жалмойи гапларига дастлаб эътибор қилмадилар, ёшликнинг ғўрлигига йўйдилар. Аммо Макснинг нутқидаги биргина нотаниш сўз Сулаймон отага салбий таъсир кўрсатди, бу сўзни ҳақорат деб ўйлади ва ғазабга минди. Сабаби, у ҳеч кимга аёлларни ҳақорат қилдириб қўймайди. Танишми, нотанишми, гап аёл ҳақида кетяпти. **Эмансипация** – эрк, озодлик маъноларини ифодаловчи жарангли, чиройли, ижобий сўз Сулаймон отага эса совуқ, беъмани эшитилди (сабаби бу сўз унинг онгида ҳеч бир маънога, шаклга, ассоциацияга эга эмас). Вербал мулоқот жараёни кишилар ўртасида коммуникацияни ҳосил қилиш билан биргаликда ўзаро турли ҳиссий таъсир ўтказиш вазифасини ҳам бажарадики, натижада коммуникантларни ҳаракатга чорлайди. Баъзан шу ҳолатга ўхшаш акс таъсир натижасида кутилмаган хатти-ҳаракатлар юзага келиши мумкин. Кундалик ҳаётимизда бундай дискоммуникацияга дуч келганимизда "тушунмовчилик рўй берди", "бир-бирини англамади", "англашилмовчилик юз берди" дея изоҳ берамиз, аммо шу ҳолатнинг юзага келишига сабаб бўлган омилларни назардан қочирамиз. Яъни асосий омил сўзнинг қудрати, сўз сеҳри эканлигини унутамиз. Халқимиз бундай вазиятларни қисқа ва лўнда қилиб "Яхши гап билан илон инидан чиқади, ёмон гап билан мусулмон динидан" дея таърифлайди. Идрок жуда мураккаб психологик жараён бўлиб, ҳаттоки ижобий маънодаги сўз ҳам тингловчининг ёши, жинси, миллати, савияси каби кўплаб мезонлар нуқтаи назаридан турлича қабул қилиниб, баъзан ассиметрик эффект ҳосил қилиши ҳам мумкин. Демак, "эмансипация" сўзининг Сулаймон ота учун нотанишлиги, янгилиги, илк бор эшитилганлиги идрок жараёнига акс таъсир кўрсатди ва нотўғри англанганлик оқибатида жисмоний куч ишлатиш ҳаракати содир бўлди. Эътиборни тортадиган жиҳати шуки, отанинг билагидаги кучи таъсирида йигитларнинг унга муносабати, субъектив баҳоси ижобий тарафга ўзгарди.

Йигитлар дастлаб Сулаймон отани ҳам, Анварани ҳам қишлоқи, қолоқ, маданиятсиз дея менсишмади ва мана шу менсимаслик уларнинг луғатидаги "Бобой" сўзи билан баҳоланди. Бу баҳо йигитларнинг нутқида реаллашди, яъни ярим масхара оҳангида "бобой" деб мурожаат қилишди. Сулаймон ота эса кўпни кўрган донишманд сифатида бунга муносабат билдирмади, арқонни узун ташлади.

Йигитлар "Бобой" лексемаси орқали қуйидаги маъноларни ифодаламоқчи бўлдилар. Овознинг турли хил интонацион модуляцияси орқали бунга эришдилар ҳам.

Бобой
1-сема. Менсимаслик.
2-сема. Масхара.
3-сема. Қўлидан ҳеч нарса келмайди.
4-сема. Кераксиз, яроқсиз, ортиқча.
5-сема. Аҳмоқ.

Андишанинг отини қўрқоқ қўйган йигитлар отанинг билагидаги кучини ўз бўйниларида ҳис қилганларидагина кўзлари ярқ этиб очилди, мушук боладай типирчилаб қолишди ва "Отахон" дея ялинишга тушишди.

Энди вазият мутлақо ўзгарди. Уларнинг луғат захирасидан вазиятга мос сўз ҳам топила қолди: "Отахон". Ва бу сўз ҳамма нарсани ўз жойига қўйди. Эътибор беринг:

Отахон
1-сема. Ҳурмат
2-сема. Ҳайиқиш
3-сема. Обрўли
4-сема. Ўзига ишончи бор
5-сема. Тажрибали
6-сема. Қўлидан иш келади

Суҳбат асносида тўрт шахснинг бир-бирига бўлган муносабати ижобий томонга ўзгарди. Дастлабки таассурот тумандай тарқаб кетди. Бу ҳолатни драма матнида кузатганимизда манзара яққол намоён бўлади:

"Шу пайтда купеда Маъмуржон Узоқов айтган "Боғ аро" ашуласи янграб кетди.

Сулаймон ота. Жим. Эшитайлик.

Ҳамма қулоқ солади. Ашуланинг бир куплети ўтгач, Макс чидолмайди.

Макс (ярим овозда). Отахон?

Сулаймон ота. Нима дейсан?

Макс. Йўталсам майлими?

Анвара кулиб юборади, унга қўшилиб ҳамма кулади, Сулаймон отанинг ўзи ҳам".

Мулоқот жараёнининг ўзгарганлигига эътибор беринг. Ҳозиргина авж пардада пойинтар-сойинтар гапираётган йигит ярим овозда, секингина, оғир ботмайдиган қилиб мурожаат қиляпти. Сабаби, ёши улуғ мўйсафид сел бўлиб қўшиқ тинглаяпти, унинг оромини бузишга ҳадди сиғмаяпти.

1-сема. Ҳайиқиш

Отахон ? 2-сема. Ҳурмат

3-сема. Гапиришга ижозат сўраш.

Нима дейсан? Гапиришга изн берилди, шу боис Макс тезда жонланиб, қувлик билан гап бошлади.

1-сема. Хонада ёлғиз эмассиз.

2-сема. Бизнинг ҳам ўз қизиқишларимиз бор.

Йўталсам майлими? 3-сема. Қўшиқни сиз мазза қилиб эшитсангиз бизга ҳам маъқул дегани эмас-да.

4-сема. Сизни ҳурмат қиляпмиз, бизнинг иззатимизни ҳам жойига қўйинг-да.

Маҳсумнинг қувлик билан "Йўталсам майлими?" дейишининг ўзиёқ ҳар бир суҳбатдошнинг онгида юқоридаги маънолар билан намоён бўладики, натижада отанинг ўзи ҳам кулиб юборди. Ушбу парчада матннинг қабул қилиниши билан боғлиқ яна бир муаммо юзага чиқади. Яъни ҳар қандай мумтоз асар ҳам ҳар бир реципиент томонидан ижобий ва тўла-тўкис қабул қилинади дейиш нотўғри. Бу бир ёқлама фикр юритиш бўлади. Сулаймон ота сел бўлиб эшитаётган Маъмуржон Узоқов ижросидаги "Боғ аро" ашуласи Махсум ва Васил учун зерикарли, тушунарсиз. Уларнинг шиддат билан ёнаётган юраги бу ритмни қабул қилолмайди. Худди ҳозирги кунда фарзандларимиз берилиб тинглаётган рэп қўшиқлар биз учун қанчалик маза-матрасасиз бир бачканалик бўлиб туюлса, уларни "Қаро кўзим", "Муножот"ни тинглашга ундашимиз ҳам шунчалик ўринсиздир. Инсон руҳиятида, онгида юз берадиган эврилишлар туфайли фарзандларимиз ҳам бир кун келиб шунга эҳтиёж сезади, ана ўшандагина бу матнларни санъат асари даражасида қабул қиладилар, лаззатланадилар.

Юқоридаги психолингвистик таҳлилдан шундай хулосага келиш мумкин: онг воқеликни лисоний белги воситасида шунчаки акс эттирибгина қолмасдан, балки субъект учун муҳим бўлган белги-хусусиятларни ажратади, баҳолайди. Баҳонинг қандайлиги эса сўз танлашда яққол кўринади.

Адабиётлар:

1. Философия. Логика. Язык. - М.: Прогресс, 1987.- 334 с.
2. Рубакин Н.А. Психология читателя и книги.- М.: МГУ, 1977.- 160 с.
3. Психолингвистика.- М.: Прогресс, 1984.- 368 с.
4. Петренко В.П. Психосемантика сознания.- М.: МГУ,1986.- 208 с.
5. Сорокин Ю.А. Психолингвистические аспекты изучения текста.- М..: Наука,1985.- 168 с.

Андижон давлат университети,
2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Набиева)